

ТАРБИЯ – ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ҲОДИСА ВА ЖАРАЁН СИФАТИДА

Акрамова Дилдора Эргашевна

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси
кафедраси ўқитувчиси

Тожихонова Лобархон Усмонхон қизи

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим йўналиши талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада тарбия – ижтимоий ҳодиса сифатида – ўсиб келаётган ёш авлодга жамият ва инсон ҳаёт-фаолиятининг барча соҳаларига оид ижтимоий-тариҳий тажрибани ўтказиш жараёни эканлиги хақида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: Тарбия, таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, фаолият.

EDUCATION AS A SOCIO-PEDAGOGICAL PHENOMENON AND PROCESS

Abstract: This article presents ideas about the fact that education - as a social phenomenon - is the process of imparting socio-historical experience to the growing young generation regarding all spheres of society and human activity.

Key words: Education, educational system, pedagogue, pedagogical activity, activity.

Тарбия – кенг ижтимоий маънода – жамиятда тўпланган ижтимоий-маданий тажрибалар, ахлоқий қадрият ва меъёрларнинг авлоддан-авлодга ўтказилишини

таъминловчи, шахсни шакллантирувчи барча ижтимоий омиллар (таъсиrlар) мажмуи.

Тарбия – ижтимоий ҳодиса сифатида – ўсиб келаётган ёш авлодга жамият ва инсон ҳаёт-фаолиятининг барча соҳаларига оид ижтимоий-тарихий тажрибани ўтказиш жараёни.

Тарбия – педагогик ҳодиса сифатида – одамга маданиятни ўзлаштириш шароитларини яратиш; узлуксиз тарбиявий таъсиrlар кўрсатиш орқали маданиятни унинг шахсий тажрибасига айлантириш жараёни.

Тарбия – объектив, барчага баравар тааллуқли жараён бўлиб, у оила, маҳалла, маърифий ва бошқа муассасаларда амалга оширилади.

Педагогика жараёнида тарбия энг муҳим ўрин тутади. Шахсни шакллантириш, бошқариш, камол топтириш назорат хусусиятига эга бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий ҳатти-ҳаракатлар орқали эмас, балки олдиндан белгиланган ва пухта ўйланган режалар асосида ҳал этиб борилади.

Тарбия жараёнида унинг мақсади, шакл ва методлари, шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари муҳим ўрин тутади.

Тарбиянинг мазмуни ижтимоий буюртма асосида белгиланиб, унинг амалга ошиши учун маълум шарт-шароитлар мавжудлиги талаб этилади. Ушбу ғоялар яхлит тарзда қуидагича акс этади:

- 1) ҳар қандай жамиятда ёш авлод тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади;
- 2) тарбиянинг мақсади жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади;
- 3) миллий тарбиянинг асосий мақсади баркамол, комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Шундай экан, тарбия педагогиканинг асосий категорияларидан бири саналади. Жамият ва педагогиканинг тарихий ривожи давомида мазкур категорияни тушунтиришга турлича ёндашувлар юзага келган. Энг аввало, кенг ва тор маънодаги тарбия фарқланади: тарбия, кенг маънода, ижтимоий ҳодиса,

яъни шахсни ижтимоийлаштириш сифатида, тор маънода, педагогик ҳодиса, яъни педагогнинг тарбиявий фаолияти, иши сифатида тушунилади

Педагогик жараёнда тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, тарбия – ривожланаётган шахсни ижтимоий тажрибани эгаллаш, тарбиявий фаолиятга жалб этиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган педагогик жараёндир. Ўз-ўзини тарбиялаш – шахснинг ўзида ижтимоий қадр-қимматли ижобий фазилатларни ҳосил қилиши, салбийларини бартараф этишига қаратилган ички фаолияти. Ўз-ўзини тарбиялаш қўйидагича ташкил этилади:

- 1) шахснинг ўзини ўзи билиши;
- 2) шахснинг ўз устида ишлаш дастурини тузиши;
- 3) шахснинг ўз дастурни амалга ошириши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- 1.Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
- 2.Akramova, D. (2022). BO'LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.
- 3.Akramova, D. (2022). Oliy ta'lif muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
- 4.Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZMLARINI RIVOJLANTRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOQS jurnali, 26(1), 13-17.